

كَلَّ رَفُغَ أَبْنَدِ ضُرَّالِ لِهَ أَمَّ طَعَّ أَتُنُّكَ وَ لَكِنَّ إِفٍ: عَيْ أَوْرِي فِي دِي زَوَّ. رَمَّ كَرُمُعَ يِفَفِ
أَهَرَ فَعَلَّ جَلَّ عِلَّ مَرَّ لَمَّ رَلَّ مَّ كُبُّونُ ذُتَّ نَكَّ وَ لَفٍ: هُتَّ رَابَعَوُ. يِ ذِمُّرَّتْ لَ أَوَّ دَوَادُ وَ بَأَهَ أَوْرَ. كَلَّ لَذِبِ
كَلَّ لُهُ لَلِ

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам Аббос ибн Абдулмутталибга:

«Эй Аббос! Эй амакигинам! Сенга ато этайми? Сенга инъом қилайми? Сенга лутф кўрсатайми? Сени ўнта хислатли қилиб қўяйми? Сен ўшаларни қилсанг, Аллоҳ сенинг гуноҳингни – аввалгисию охиргисини, қадимгисию янгисини, хатосию қасдданини, кичигию каттасини, сиринию ошкорини мағфират қилади. Ўша ўн хислат – тўрт ракъат намоз ўқимоғинг. Ҳар ракъатда Фотиҳани ва бир сурани ўқийсан. Биринчи ракъатда қироатдан фориғ бўлсанг, турган ҳолингда: «Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи валаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб ўн беш марта айтасан. Сўнг рукуъ қиласан ва рукуъда турган ҳолингда уларни ўн марта айтасан. Сўнгра бошингни рукуъдан кўтариб, уларни ўн марта айтасан. Кейин саждага йиқиласан ва уларни сажда қилган ҳолингда ўн марта айтасан. Сўнг бошингни саждадан кўтариб, уларни ўн марта айтасан. Кейин сажда қилиб, яна ўн марта айтасан. Сўнг бошингни кўтариб (ўтириб), уларни ўн марта айтасан. Ана ўша бир ракъатда етмиш бештадир. Бунини тўрт ракъатда ҳам қиласан. Агар бу намозни ҳар куни ўқий олсанг, шуни қил. Агар қила олмасанг, ҳар Жумъада бир марта қил. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар ойда бир марта қил. Агар уни ҳам қила олмасанг, ҳар йили бир марта қил. Агар уни ҳам қила олмасанг, умрингда бир марта қил», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Агар сен ер аҳлининг энг катта гуноҳкори бўлсанг ҳам, албатта, у ила сенга мағфират қилинур», деган жумла зиёда қилинган.

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг иборасида:

«Агар гуноҳларинг қумтепа мислича бўлса ҳам Аллоҳ уларни сендан мағфират қилади», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисни Абу Довуд ва Термизийдан бошқа Ибн Можа, Байҳақий, Ибн Хузайма, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Ибн Муборак, Табароний, Хатиб, Ожурий, Абу Саъийд ас-Самъаний, Абу Мусо Мананий ва Имом Бухорий «Жузул Қуръон»да ривоят қилган.

Ибн Абу ас-Сайф ал-Яманий «Ал-ламъа фи рафоиб явмил жумуъа»

китобида

Термизийнинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Тасбеҳлар намозини Жумъа куни завол пайтида ўқиш мустаҳабдир. Биринчи ракъатда Фотиҳадан кейин Такасурни ўқийди, иккинчисида «Вал аср»ни, учинчисида Кофирунни, тўртинчисида Ихлосни ўқийди», деб туриб, охирида ўқийдиган қўшимча дуони ҳам келтирган.

Абу Усмон ал-Хайрий аз-Зоҳид:

«Қийинчиликлар ва ғам-ғуссалар учун тасбеҳлар намозидан яхши нарса кўрмадим», деган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди